

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 59-ҳадис

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Солиҳ туш (бошқа ривоятда яхши туш) Аллоҳ томонидандир. Ёмон туш шайтон томонидандир. Кимки тушида ёмон нарса кўрса, чап томонига уч марта туфлаб, шайтондан паноҳ тиласин. Шунда унга зарар қилмайди», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Мусулмон киши кундалик ҳаётида бирор ҳолат юз берса, унга дини ва ақидасидан керакли жавобни топади. Шунингдек, Ислом мусулмоннинг хатто уйқусида содир бўлган, яъни тушида кўрган ҳолатини ҳам эътибордан қолдирмайди. Балки, тушида кўрган яхши ёки ёмон ҳолат қаршисида нима қилиш лозимлигини баён этади. Хурсанд қиладиган, ёқимли нарсани кўрса, у ҳақда яқинларига, дўстларига сўзлайди. Хафа қиладиган, ёқимсиз нарса кўрса, бошқаларга сўзламайди, Аллоҳга шайтондан паноҳ тилаб дуо қилади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон киши тушида яхшиликни кўрса, бу туш Аллоҳ томонидан эканини билиб, хурсанд бўлади.
2. Мусулмон киши агар тушида ёқтирмайдиган нарсани кўрса, бу туш шайтон томонидан бўлиб, мўминни маҳзун қилиш учун кўрсатилган бўлади. Буни “алғов-далғов туш” ҳам деб айтилади.
3. Бордию ёқимсиз, нохуш туш кўрса, Аллоҳ номи ила шайтондан паноҳ тилайди. Ҳамда тупук чиқармасдан уч марта чап томонига туфлайди. У ҳақда бирор кишига сўзламайди. Шунда у туш зарар бермайди.
4. Яхши нарсани тушида кўрса, у ҳақда яхши кўрган кишиларига сўзлайди ва Аллоҳга ҳамд айтади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI